



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘ I

2021 yil “13” 09

№ 224

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ички
хужжатларни рўйхатга олиш ва сақланишини тартибга
солиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан чиқарилаётган буйруқларни, вазирликнинг бошқа давлат бошқаруви органлари билан биргаликда қабул қиладиган қарорларини, вазирлик томонидан чиқарилган кўрсатма хатларни, вазирлик томонидан тасдиқланган чоратадбирлар, йўл хариталари ва назорат режаларини рўйхатга олиш ва сақланишини тартибга солиш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан чиқаётган барча буйруқлар ҳамда вазирликнинг бошқа давлат бошқаруви органлари билан биргаликда қабул қиладиган қарорлари вазирликнинг Кадрлар бошқармаси томонидан рўйхатга олиниши ва уларнинг асли мазкур бошқармада сақланиши белгилансин.

2. Кадрлар бошқармасида юритиладиган Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатлар ҳисобини юритиш журналинини лозим даражада тўлдирилишини доимий равишда назорат қилиш вазирликнинг Юридик бошқармасига юклатилсин.

3. Вазирлик томонидан чиқарилган кўрсатма хатлар, тасдиқланган чоратадбирлар, йўл хариталари ва назорат режалари вазирликнинг Девонхонасида рўйхатга олиниши ва хужжатларнинг асли шу ерда сақланиши белгилансин.

4. Юқоридаги хужжатларнинг тўғри рўйхатга олиниши ва уларнинг аслини лозим даражада сақланиши учун Кадрлар бошқармаси (Ж.Ёқубов) ва Девонхона (М.Икрамова) масъул эканлиги белгилансин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. Хаджибаев